



Раис аҳоли дарди билан
яшаса, одамлар унга
қулоқ тутати

2-с.

“Еттилик” қарорига асосан
субсидия, грант, ссуда
ажратилади

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
2 АПРЕЛЬ,
ЧОРШАМБА

Маҳалла

№27
(2251)

WWW.UZMAHALLA.UZ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

ХИТОЙЛИК МЕҲМОНЛАР САМАРҚАНД МАҲАЛЛАЛАРИДА БЎЛДИ

Юртимизда меҳмон бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси Коммунистик партияси вакиллари Самарқанд маҳаллаларида бўлди.



Дастлабки манзил — Самарқанд туманидаги “Кониғил туризм маҳалласи”. Хитой делегацияси аъзолари маҳаллада жойлашган қоғоз ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти билан танишди. Шунингдек, меҳмонларга “маҳалла еттилиги” фаолияти, аҳоли хонадонларида туризм хизматлари йўлга қўйилгани, оилалар хунармандчилик ва халқ амалий санъати турлари билан шуғулланиб, даромад топаётгани ҳусусида маълумот берилди.

Шундан сўнг, делегация аъзолари 3 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Самарқанд шаҳридаги “Чармғари” маҳалласида бўлди. Бу ерда йигиндаги “еттилик” аъзоларининг вазифалари, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тушунтиришлар берилди. Маҳаллалар фаолияти, уларда қўйилган тартиблар, ташаббуслар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

ОБОДЛИК



ФАРОВОН ҲАЁТГА ҚАДАМ “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” КЎМАГИДА ТАШЛАНАДИ

Маҳаллаларда “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари ва “Яшил макон” лойиҳасини ташкил этиш бўйича “Долзарб бир ойлик” доирасида ҳозиргача 119,7 мингта кўча ва 2,5 миллиондан ортиқ хонадон ободонлаштирилди.

Бу жараёнда 1,3 миллиондан ортиқ хонадон томорқаси тартибга келтирилди. Кўчаларга 170,8 мингта тунги ёритиш чироклари ўрнатилиб, 1,7 миллион тупдан зиёд узум-ток кўчати экилди. “Яшил

макон” лойиҳаси доирасида 17 миллион 242 минг туп мевали ва манзарали кўчатлар ерга қадалди. Бунда камбағал оилалар хонадонига 2,2 миллион туп, яқка-ёлғиз кексалар хонадонига 111 минг туп, “еттилик” аъзолари бириктирилган кўчалар

га 412 минг туп, кўчабошилар 1,1 миллион туп, маҳалла боғларига 926 минг туп ҳамда аҳоли хонадонларига 12 миллион тупдан зиёд дарахт кўчатлари экилди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси томонидан апрель ойи давоми

да амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинган. Хусусан, маҳаллаларда 23 миллион тупдан ортиқ кўчатлар экилади. Ёшлар ўртасида “маҳалла – туман – вилоят – республика” даражасида “Шижоат ва ғайрат” спорт ўйинлари ташкил этилади. “Фаровон ҳаёт

га илк қадам”, “Ишонч” лойиҳалари ва “Маърифат орқали камбағалликни қисқартириш” дастури амалга оширилади. “Фаровонликка эришган энг намунали оила” танлови ўтказилди. Камбағал оилаларга “маънавий кўмакчи”лар бириктирилади.

БУГУНГИ СОНДА:

“Китобхон йигит-қизлар сафи кенгайса дейман...”

“Маҳалламизда “Етакчи кубоги” лойиҳасини йўлга қўймоқчиман. Энг кўп китоб ўқиган ёшга ноутбук совға қиламиз. Йигит-қизларнинг билими компьютерда тестлар орқали синалади. Бу ташаббус ота-оналарга ҳам маъқул келди ва бундай лойиҳаларни кейинчалик давом эттиришни сўрашди”.

4-с.

Ҳар бир хонадон имконият ва имтиёздан хабардор

“Худудда гўшт ва сут етиштирувчилар кўп. Лекин ушбу маҳсулотларни қайта ишлайдиган бирорта корхона йўқ. Шу боис бу масалада ҳоким ёрдамчиси билан тегишли идораларга таклифлар киритиб, инвестор қидиряпмиз. Агар ушбу ташаббус амалга ошса, кўплаб янги иш ўринлари яратилар эди”.

5-с.

“Уч йилдан буён “яшил” тоифа-дамиз”

Ҳар бир профилактика инспектори аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиб, уларга телефон рақамини бериб, мунтазам ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бора, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш мумкин. Бу борада хизмат уйлари зарур. Чунки хизмат уйи ва машинаси бўлса, хавфсизликни таъминлаш имкони бўлади.

6-с.

“Хотинингга пул берсанг, сендан рози эмасман...”

Динимизда ота-онага яхшилик қилишга бууриш билан бир қаторда хотинларга ҳам яхши муошаратда бўлишга буурилган. Ота-онага яхшилик қилиш жаннатга олиб борувчи бир йўл бўлса, хотин, бола-чақага гамхўр бўлишнинг савоби ҳам ундан кам эмас. Шунининининг ҳам ҳаққини ўз жойига қўйиш керак.

8-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@mahalla_raislari

@mahalladosh_1

@mahalladosh



ЖАРАЁН

Муаммонинг 83 фоизи маҳалланинг ўзида ҳал этиляпти

“Маҳалла еттилиги” тизими орқали аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш борасидаги ишлар янги босқичга олиб чиқилди. “Хонадонбай”, “Фуқаробай” ишлаш орқали аҳоли муаммоларининг 83 фоизи маҳалланинг ўзида ҳал этиляпти.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида маҳаллаларни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида “еттилик” ва банклар ҳамкорлигида 956 минг 399 нафар ишсиз фуқаро даромадли меҳнатга жалб қилинди. Уларнинг 51,2 минг нафари доимий ва мавсумий ишларга, 3,7 минг нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жойлаштирилди, 199,3 минг нафари ўзини ўзи банд қилди, 12,4 минг нафари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган бўлса, 4,7 минг нафари хунармандчилик, 686,2 минг нафари ижара асосида ер ажратиш ҳисобига оиласига даромад келтиряпти.



Оғир тоифадаги 1 024 та маҳалла-га бириктирилган раҳбарлар 75 минг 176 та камбағал оиланинг 7 минг 613 та муаммосини аниқлади, шундан 5 минг 281 таси (70 фоиз) бугунги кунда ҳал этилди. Маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш бўйича профилактик ҳисобда турган шахсларнинг 27 минг 348 нафарига “еттилик” аъзолари, 21 минг 611 нафарига кўчабошилар, 13 минг 420 нафарига нуронийлар бириктирилди.

Маҳаллаларни ажралишдан холи ҳудудга айлантиришда ажралиш ёқасидаги 40 минг 577 та оила яраштирилди, 124 минг 961 нафар аёлга ижтимоий ёрдам ва кўмаклар кўрсатилди. Миграциядаги 241 минг 190 нафар фуқаро билан онлайн мулоқот қилиниб, 38 минг 130 нафари юртга қайтарилди. Уларнинг 17 минг 800 нафари ишга жойлаштирилган бўлса, 9 минг 180 нафарига ёрдам кўрсатилди.



АЖРАЛИШ: УНИНГ ОҒРИГИ МУРҒАК ҚАЛБЛАРНИ ЛАРЗАГА СОЛАДИ

7-с.



Президент қарорига кўра, 2025 йилдан ҳар 18 ойда – баҳор ёки куз фасларида ОРОЛ МАДАНИЯТ САММИТИ ўтказиб борилади.



Президент фармонига асосан, йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида божхона декларациясининг МОБИЛ ИЛОВАСИ яратилади.



Президент қарори билан божхона соҳасида СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ технологиялари жорий этилади.

ЖАРАЁН

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ

Маҳаллаларда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган манзилли тарғибот тадбирлари ўтказиб келиняпти.



Самарқанд вилоятининг Ургут, Булунғур, Нуробод ва Самарқанд туманларидаги 21 та маҳаллада шу мақсадга қаратилган маънавий-маърифий, меҳр-мурувват тадбирлари ўтказилди. Уларда театрлаштирилган сахна кўринишлари, турли миллат вакилларининг фольклор-этнографик чиқишлари, миллий маком, рақс ва халқ оғзаки ижодиёти намуналари, лапар, айтишувлар ижроси, миллий либослар ҳамда миллий таомлар кўргазмалари намойиш этилди. Жумладан, Ургут туманининг кўшни Тожикистон Республикаси билан чегарадош ҳудудида жойлашган “Тинчлик” маҳалласида байрам шодиёналари кўтаринки руҳда ўтказилди. Унда маҳаллий аҳоли билан бирга, Тожикистон, Туркия, Япония ва Жанубий Кореядан келган меҳмонлар қатнашди. Тадбирлар туманининг “Ваткан-Кўзибек”, “Раҳматобод”, “Мирзабоғлон-Чеп” маҳаллаларида давом этди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Самарқанд вилояти бошқармаси

Раис аҳоли дарди билан яшаса, одамлар унга қулоқ тутати

ЭРТАЛАБ УЙҒОНАР ЭКАНМАН, БИРИНЧИ БЎЛИБ ХАЁЛИМДАН “МАҲАЛЛАМИЗ ТИНЧ БЎЛСИН”, ДЕГАН ФИКР ТАБИИЙ РАВИШДА ЎТАДИ.



Бекзод РАСУЛОВ, Хатирчи туманидаги “Зарафшон” маҳалласи раиси.

Раис сифатида иш бошлаганимдан буён фақат аҳолининг фаровонлиги, оилалар хотиржамлигини ўйлайдиган бўлиб қолганман. Аслида ҳам, халқ учун хизмат қилишга бел боғлаган раҳбар унинг дарду ташвиши билан яшамас экан, одамларни ортидан эргаштира олмайди. Айни вақтда ҳудудимизда 2 480 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг асосий фаолият йўналишлари — чорвачилик ва деҳқончилик. Кўпчилик хонадонларидаги 10-15 сотихли томорқасида полиз экинларини етиштириш орқали даромад олишади. 14 та хонадонда ташкил этилган иссиқхоналардан қишин-ёзин помидор ва бодринг узилмайди. Жорий йил бошидан

буён 20 нафар фуқарога чорвачилик бошлаши учун 270 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Уларга ҳоким ёрдамчиси Зафар Бобоназаров ҳар жиҳатдан кўмак бериб келмоқда. Хусусан, Дилфуза Исмаева ва унинг турмуш ўртоғига ўзини ўзи банд қилиши учун 33 миллион сўм кредит ажратилди. Оила вакиллари маблағ эвазига 3 бош қорамол олиб, фаолиятини бошлашди. Аввалига устачилик қилиб, ёлланма ишчи бўлиб юрган эркак бугун янги иш бошлаганидан жуда хурсанд. Дилфуза эса сут ва қатиқ сотиб, аллақачон даромад топишни бошлади. Аҳолини камбағалликдан чиқариш ва фаровон турмуш кечириши учун қилинаётган ишлар кўлами кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Ишсиз ва даромади кам аҳоли вакиллари тадбиркорликка кенг жалб қилиб, яратиб берилаётган шарт-шароит ва имкониятлар билан яқиндан таништириб боришимиз. Саъй-ҳаракатла-

римиз самараси ўлароқ, янги бизнес бошлаётган маҳалладошларимиз анча кўпайиб қолишди. Жумладан, Элбек Нуруллаев бундан 10 ой аввал тавсия асосида 100 миллион сўм кредит олиб, уйида суюқ совун ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Дастлаб соҳанинг сир-асрорларини

қўшни маҳалладаги тадбиркордан пухта эгаллади. Унинг йўл-йўриқлари билан бугун яхши натижаларга эришяпти. Ойлик даромади 15 миллион сўмдан ортиқ. Бу аввал ҳайдовчилик қилиб толган пулидан анча кўп. Шу боис доим хонадонига борадиган бўлсак, тўғри йўл танлаганини

Аҳолининг фаоллиги билан учинчи марта “Ташаббусли бюджет”да ғолиб бўлдик. Деярли барча кўчалар асфальт қилинди.



МЕНДА САВОЛ БОР...

САЙЛАНИШ УЧУН ҚАНЧА ОВОЗ ОЛИШ КЕРАК?



Бахтиёр ТОШПҮЛАТОВ. Жиззах вилояти:

— Маҳалла раислари сайлови яқин. Айтингчи, овоз бериш қай тартибда ўтказилади? Одатий сайловлар каби яширин овоз бериладими ёки кўл кўтариб тасдиқланадими? Қанча овоз олган номзод раис этиб сайланган бўлади?

Баҳром КУШБАКОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул ходими:

— Фуқаролар йиғини раиси сайлови бўйича овоз бериш ўтказилаётганда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) иштирокчиларига сайлов бюллетенлари санок комиссияси томонидан берилади. Бюллетенга номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибда киритилади. Фуқаролар йиғини раисини сайлашда бюллетенларни бериш бевосита овоз беришдан олдин бошланади. Бюллетенни овоз берувчи яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдиради. Сўнгра уни сайлов қутисига ташлайди. Сайлов қутилари овоз бериш тугаганидан кейин очилади. Овозларни санаш натижалари бўйича санок комиссияси баённома тузади ва баённомани санок комиссиясининг раиси ҳамда аъзолари имзолайди. Овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг ярмидан кўпроғининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланган, деб ҳисобланади. Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) сайлов якунлари бўйича қарор қабул қилади, бу қарор фуқаролар йиғинида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади.

Ҳар бир хонадоннинг ўз даромад манбаи бор

Чиноз тумани билан чегарадош ҳудудда жойлашган маҳалламизда уч мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. “Драйвер”имиз — деҳқончилик ва чорвачилик. 520 та хонадоннинг ҳар бирида 5-50 сотих томорқа ери бўлиб, унда картошка, помидор, булғор қалампири, мош, маккажўхори экишади.

Ўжакентлик аҳоли хонадонларининг ярмида катта-кичик иссиқхоналар мавжуд. Уларда редиска, бодринг, помидор экиб, уч марта ҳосил оляпти. Қирқта хонадон бир гектардан 30 йилга қўшимча томорқа ер олиб, деҳқончилик қилишяпти. Дилшод Давлатов уруғсиз узум навини яратиб, 4 сотих томорқасидан йилга 3 тонна ҳосил оляпти. Айни ташаббус доирасида Мингбулоқ кўчасини узумзорга айлантириш учун унга бириктириб бердик. Яқин кунларда уйда етиштираётган уруғсиз узум қўчатларини шу кўчага экади.

Ҳар бир ўжакентликлар хонадониди парранда, қорамол ва қўй боқилади. Томорқасидан чиқарган турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва сут, қатиқ, тухумни 18 километр узоқдаги Қуйи Чирчиқ бозорига олиб бориб сотишади. Хотин-қизлар ўртасида тивувчилик кенг ривожланыпти.



Ҳикоят Жўрабоева Маҳалла тизими ходимлари куниди “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирланди.

12 та хонадонда “устоз-шоғирд” аънаъаси асосида 70 нафар хотин-қиз миллий аёллар либосларини тиқишяпти. Маҳсулотлар хари-дорғир, буюртмалар кўп. Иилдан-йилга тадбиркорлар сони ортиб борапти. Ўтган йили 75 нафар фуқаро

тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Давлат-хусусий шерикчилик асосида иш бошлаган 200 уринли “Кичик академик” нодавлат боғчасида 15 нафар камбағал оила фарзандлари бепул тарбияланыпти. Икки қаватли савдо мажмуаси, 8 минг аҳолига

хизмат кўрсатувчи янги оилавий поликлиника иш бошлади. Эски мактабнинг қўшимча биноси қайта таъмирланиб, 8 та оилага уй қилиб берилди. Маҳалламиз “оғир” тоифадаги ҳудуд сифатида давлат дастурига киритилиб, ҳозирда кенг қамровли бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Жорий йилнинг февраль-март ойларида эллик йиллик 230 та симёғоч бетон устунларга алмаштирилди. 9,2 километр электр тармоғи тортилиб, 110 та тунги чироқ ўрнатилди. 8 та кўчага интернет тармоғи тортилди. Шунингдек, ўтган йили “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси орқали 2,2 километр, жорий йил яна 2,7 километр ички кўчалар асфальтланди. 1,5 километр ариқлар бетонлаштирилди. Бир сўз билан айтганда, “Ўжакент” маҳалласи обод бўлиб, хонадонларга файз-барака қияпти.

Ҳикоят Жўрабоева, Қуйи Чирчиқ туманидаги “Ўжакент” маҳалласи раиси.

ТАЖРИБА



1 апрелдан
“Ёшлар дафтари”
жамғармаси орқали
тўланадиган
бир марталик
моддий ёрдам
ўрнига НАФАҚА
ТЎЛАНАДИ.



Давлат
харидларида
кооперация
алоқаларини ўрнатиш
бўйича ЯХЛИТ ва
ШАФФОФ тизим
яратилади.



1 апрелдан
хотин-қизлар бандлигини
таъминлашга қаратилган
ижтимоий лойиҳаларга
БХМнинг 60 бараваригача
микдорда ГРАНТЛАР
АЖРАТИЛАДИ.

МОҲИЯТ

ТАЖРИБА

“Ёттилик” қарорига асосан субсидия, грант, ссуда ажратилади

ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИ-
НИНГ “КАМ-
БАҒАЛЛИКНИ
ҚИСҚАРТИРИШ
ДАВЛАТ
МАҚСАДЛИ
ЖАМҒАРМАСИ
ФАОЛИЯТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ
ЧОРА-ТАД-
БИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА”ГИ
ҚАРОРИ ҚАБУЛ
ҚИЛИНДИ.



Санжар ИСМАТОВ.

Бугун маҳаллаларда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” жамғармалари орқали кўрсатилаётган турли ижтимоий ёрдамлар, хизматлар “маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарори асосида тақдим этиляпти. Бу моддий кўмакнинг ҳақиқатда унга муҳтожларга етиб боришини таъминлайтир. Чунки йиғинларда ким қандай ёрдамга эҳтиёж сезаётгани, ким моддий жиҳатдан қийналаётганини маҳалла фаолларидан бошқа биров яхшироқ билмайди. Шунининобатга олиб, Ҳукумат қарори билан “еттилик” зиммасига яна бир масъулиятли вазифа юклатилди.

Қарорга кўра, Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси Жамоат ишлари жамғармаси, Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Аҳолини тadbиркорликка жалб қилиш жамғармаси негизда ташкил этилди. Унинг маблағлари ҳисобидан “Камбағал оилалар реестри”га киритилган оила аъзоларига ҳамда уларни даромадли меҳнат билан банд қилган жисмоний ва юридик шахсларга субсидия, грант ва ссудалар ажратилади.

Ҳужжат билан “Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия, грант ва ссудалар ажратиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Низомга кўра, қуйидаги субсидиялар ажратилади:

- енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун

— БХМнинг 30 бараваригача (11 миллион 250 минг сўмгача);

- суғориш воситалари харида учун — БХМнинг 10 бараваригача (3 миллион 750 минг сўмгача);

- уруғлик ва ёқилғилар сотиб олиш учун — БХМнинг 3 бараваригача (1 миллион 125 минг сўмгача);
- қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиш учун — БХМнинг 10 бараваригача (3 миллион 750 минг сўмгача);

- тadbиркорлик субъектларига — ҳар бир касаначининг дастлабки уч ой давомидидаги фа-



“Камбағал оилалар реестри”га киритилган оила аъзоларига ҳамда уларни даромадли меҳнат билан банд қилган жисмоний ва юридик шахсларга субсидия, грант ва ссудалар ажратилади.



СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА СИНОВ МУДДАТИ БОРМИ?



мутахассислигига доир ишга қираётган олий таълим ташкилотларининг битирувчилари бўлса.

Агар сиз олий ўқув юртини яқинда тамомлаб, бир йил ичида биринчи бор ишга қираётган, ўз мутахассислигингиз бўйича ишга жойлашаётган ёки давлат гранти асосида ўқиган бўлсангиз, шунингдек, олий таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч ой ичида йўлланма бўйича мутахассислигингизга доир ишга қираётган бўлсангиз, сизга синов муддати белгиланмаслиги керак.

Агар юқоридаги шартлар сизга тегишли бўлмаса, яъни олий ўқув юртини тамомлаган кундан бир йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса ёхуд мутахассислигингиз бўйича ишга жойлашаётган бўлмасангиз, синов муддати белгиланиши қонуний ҳисобланади.

Илёс БАҲРОМОВ.
Пешку тумани:

— Олий ўқув юртини тамомлаб, вазирликка ишга кириш учун хужжат топширган эдим. Синов муддати билан ишга олишди. Шу тўғрими?

Миржон ИСАЕВ,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи:

— Меҳнат кодексининг 129-моддасига кўра, қуйидаги ҳолларда ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди:

- ☑ тегишли таълим ташкилотини тамомлаган кундан эътиборан бир йил ичида биринчи бор ишга қираётганда олинган мутахассислиги бўйича мустақил равишда ишга жойлашаётган умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларининг битирувчилари бўлса;

- ☑ давлат грантлари асосида ўқиган ва олий таълим ташкилотини тамомлаган кундан эътиборан уч ой ичида йўлланма бўйича олинган

Қурбон ота ҳар ким ўз даромадига эга бўлиши керак, деган фикрда



Ғузур туманидаги “Жарарик” маҳалласи Оқтош қишлоғида яшовчи Қурбон ота Абдуллаев хонадонидан 4 сотих майдонга иссиқхона ташкил этган. Унда панайя, лимон, апельсин ва мандарин дарахтларини ҳамда поллиз маҳсулотларини экилаган.

Иссиқхонадан яхшигина даромад олаётган Қурбон ота имтиёзли кредит олиб, очик томорқа майдониди ҳам озик-овқат маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйди. Отаҳон бу орқали бозорлар тўкин-сочинлигига ҳисса қўшмоқда. Бунда унинг асли маълумоти агроном бўлгани

ҳам қўл келяпти.
— Ҳозирда нафақадаман, шунга қарамай, ҳар бир инсон ўз даромадига эга бўлиши керак, деган фикр билан иссиқхона ташкил этдим, — дейди Қурбон ота Абдуллаев. — Унда 30 тулға яқин лимон, апельсин, панайя, мандарин етиштираман. Панайя ўсимлиги ҳақида алоҳида

энг афзал жиҳати шундаки, унинг барги солинган сувда ванна қабул қилганда, оёқ ва бўғин оғриқлари ўз-ўзидан йўқолади.

Қурбон ота хонадониди чорвачилик ва паррандачиликни ҳам йўлга қўйган бўлиб, оилавий даромадини янада яхшиламоқда.

ИМКОНИАТ

ИЖТИМОЙ КЎМАК ТУФАЙЛИ КИМДИР ИШЛИ, КИМДИР ДАРОМАДЛИ БЎЛЯПТИ

Маҳалламиз Жиззах шаҳрининг энг йирик ва тарихий аҳамиятга эга бўлган намунали ҳудудларидан. Аҳолиси жуда меҳнаткаш. Улар ҳар соҳада ўзини синаб кўришдан сира чўчимаيدн.



Гулчехра ПАРДАЕВА,
Жиззах шаҳридаги
“Уратепалик” маҳалласи
ҳоким ёрдамчиси.

Маҳаллада ҳоким ёрдамчиси сифатида фаолият юритар эканман, аввало, аҳолининг тadbиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, қандай соҳада бўлмасин, уларни юқори даромадга олиб чиқиш, фуқароларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича қўллаб-қувватлаш амалга оширишни мақсад қилганман. Бу йўлда кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, тadbиркорлигини бошламоқчи бўлган ишсиз 914 нафар фуқарога имтиёзли кредитлар ажратишда кўмаклашдим. Оилаларда тикувчилик, гулчилик, асаларичилик, паррандачилик, қандолатчилик, гўзаллик салонлари очиш орқали бандлигини таъминлашда муносиб ҳиссамни қўшиб келмоқдаман.

Маҳалланинг асосий ўсиш нуқталари — хизмат кўрсатиш ва чорвачилик. Худудда ҳар бир ишни “маҳаллабай” тизими орқали олиб бораётганимиз катта самара беряпти. Хусусан, хатловлар орқали 2022 йилда тadbиркорлик қилиш истагини билдирган 105 нафар фуқарога 1 миллиард 630 миллион сўм, 2023 йилда 107 нафар аҳолига 1 миллиард 842 миллион сўм, 2024 йилда 86 нафар кишига 1 миллиард

154 миллион сўм миқдориди имтиёзли кредит маблағлари ажратилди, 320 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Шунингдек, тadbиркорликни кенгайтириш учун бу йил 6 нафар тadbиркорга 100 миллион сўмдан кредит олишига тавсия берилди. Масалан, ушбу ёрдам натижасида Зиннур Олимова қандолатчиликни кенгайтирди, Миржалол Туракулов автомашиналарга хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйди.

Бундан ташқари, иш топишда ва меҳнат бозориди тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган ёшлар билан “хонадонбай” ўрганиш ишларини олиб бордик. Жараёнда маҳалладаги касб-хунарга ўқиш истаги бор 250 нафар фуқарога ўқув марказларига йўлланма берилди. Шу билан бирга, ҳудуддаги даромади паст, шароити оғир, ногиронлиги бор, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган муҳтож оилаларга субсидия асосида 18 та тикув машинаси, 2 та қандолатчилик печи ва 8 та хунармандчиликни бошлаш учун аъзолик бадаллари тўлаб беришда амалий ёрдамлар кўрсатдик.

Юқоридаги чоралар орқали аҳолининг ижтимоий ҳолатини яхшилаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган аниқ амалий қадамлар ташланди. Натижада 100 дан ортиқ оила ўз даромадини оширишга эришди ва ижтимоий кўмакдан фойдаланди.



МАРКАЗИЙ БАНК:
Ўзбекистоннинг
умумий ташқи қарзи
2024 йил якунига кўра,
64,1 миллиард
долларни ёки ЯИМнинг
55,7 фоизини ташкил
қилди.



**2025 йилнинг
биринчи чорагида
21 та маданий
мерос объектига
302 миллиард
сўмлик зарар
етказилган.**



**Самарқандда “Марказий
Осиё — Европа Иттифоқи”
биринчи саммити ва
халқаро конференция
ўтказилиши сабаб ўқувчи-
талабаларга ҚИСКА
МУДДАТЛИ ТАЪТИЛ
берилади.**

4

МАҲАЛЛАДА НИМАГАП?

ТОМОРҚА ЕРЛАРИ СУҒОРИЛСА, САМАРА КЕЛТИРАДИ

**Хатирчи
туманидаги
“Полвонота”
маҳалласида тик
кудуклар қазилиб,
аҳоли томорқа
ерларини суғориш
учун имконият
яратилмоқда.**



Шу вақтгача маҳалла ахли
томорқани суғоришга
қийналарди. Оқибатда
йиллар давомида

одамлар ердан самарали
фойдаланиш имкониятига
эга бўлмасди. Эндиги режага
кўра, ҳудудда учта тик кудук
қазилади. Бунинг натижасида
312 та хонадон ўз томорқасидан
унумли фойдаланишига
эришилади. Қолаверса, ариқлар
бетонлаштирилади.

— **Мақсадимиз** — аҳоли учун қулай
шароитлар яратиш ва томорқа
ерларидан унумли фойдаланиш-
ни таъминлаш, — **дейди маҳалла
раиси Зарифжон Ибрагимов.** — Тик
кудуклар қазилиб, ариқлар бетон-
лаштирилиши натижасида хона-
донлар томорқасидан самарали
фойдаланиш, бирламчи озиқ-овқат
маҳсулотларини шу ернинг ўзида
тайёрлашга шароит яратилади.
Йиллар давомида ечимини кутган
масала қисқа фурсатда ҳал бўлиши-
дан одамлар мамнун.

Кудуклар, ўз навбатида, маҳал-
ладаги аҳоли фаровонлигини
оширишга хизмат қилади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

**Малика
ХОЛДОРОВА.**
Нишон тумани:

— **Мақтабда ишлай бошлаганимга
кўп бўлмади. Бироқ яқинда ўз
хизмат вазифамни бажараётган
вақтимда бир ўқувчининг отаси
қизининг айбини айтганим учун
телефонда менга бақриб кетди.
Бу ҳам етмаганидек, куракда
турмас сўзлар билан ҳақорат
қилди. Бу вазиятда менинг қандай
ҳуқуқларим бор?**

№27 | 2025 ЙИЛ 2 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

Mahalla

МОҲИЯТ

“Китобхон йигит-қизлар сафи кенгайса дейман...”



**Бахтигул
ЭШБЕКОВА,
Бектемир
туманидаги
“Иқбол”
маҳалласи
ёшлар
етакчиси.**

Аввал мактабда
ёшлар етакчи-
си, сўнгра маъ-
навий-маъри-
фий ишлар бўйича
директор ўринбосари
лавозимларида ишла-
дим. Бу вақт мобайни-
да муассаса мен учун
катта тажриба майдон-
ини ўтаган бўлса-да,
мактаб ва маҳалланинг
муҳити бир-биридан
тубдан фарқ қилади.

Ўқувчи-ёшлар ҳали
катта ҳаётга тайёр бўл-
майдми. Шунчаки мак-
табдаги шўхликлар
билан ҳаётини енгил
тасаввур қилади. Йиги-
нимизда истикомат қи-
лувчи ўсмирларнинг
эса туриш-турмуши
умуман ўзгача. Улар-
нинг ўз олдига қўйган
мақсади, орзу-интили-
ши, уларга етишиш йў-
лида етарлича ташвиш
ва муаммолари бор.
Албатта, бу йўлда
уларни ёлғиз қўймай,
йигит-қизларга тиргак
бўлиб, кўмак бериб
келяймиз.

**Фаолиятимни
бошлаганимда одам-
лар билан муноса-
бат ўрнатиб, уларга
ишмининг моҳиятини
англаштириш қийин бўл-
ди. Кўпчилиқ:** “Ёшлар
етакчилиги нима учун

ташкил этилди, у биз-
га нима беради?”,
деб хайратланиш-
ди. Шундай вазиятда
уларнинг турмушини
бирма-бир кўздан ке-
чириб, ёшлар балан-
сини туздим. Маҳал-
лада ёшлар телеграм
гурухини ташкил этдик.
Унда йигит-қизларга
оид масалаларга ечим
берилди, янгиликлар
билан таништириб бо-
рилди. Аста-секин тал-
биркор ва иқтидорли
ёшлар ҳар томонлама
қўллаб-қувватланиши-
га гувоҳ бўлганларнинг
фикри ўзгарди. “Беш
ташаббус олимпиада”-
сида туман, шаҳарла-
раро ўтказилган мусо-
бақаларда кетма-кет
икки йил иштирок эт-
ган қизларимиз фахр-
ли ўринларни эгалла-
ди. Бу бошқаларда ҳам
рағбат уйғотди, бизга
нисбатан ишонч пайдо
қилди. Шундан кейин
улар фаолиятимизга
қизика бошлади ва са-
волларига жавоб олиш
учун ўзлари мурожаат
қилишни лозим топиш-
ди.

**Ёшлар билан суҳ-
батлашар эканман,**
қайси йўналишга улар-
ни жалб қилиш мумкин,
нима қилсам, уларга
фойдали бўлади, де-

ган ёндашув билан иш
тутаман. Жумладан,
профилактик рўйхатда
турадиган бир нафар
ёшни анчадан буён
зимдан кузатиб юра-
дим. Бу бола мактаб
пайтида бир неча ма-
ротаба ўғрилиқ содир
қилгани боис ҳамиша
кузатув остида эди.
Унинг уйида отанинг
меҳри, тарбияси етиш-
масди. Она болам ўқ-
синмасин, деб бор им-
конияти билан унинг
истакларини амалга
оширишга уринган.
Фарзандининг кўнгил
майлига қулоқ тутиб,
эркалатиб қўйган, де-
сам ҳам бўлади. На-
тижада йигитчанинг
ўғрилиқкача қадами
етганидан бехабар
қолган. Кўнглим нега-
дир уни ўзгартариш,
хаётини бошқатдан
бошлашга ундаш мум-
кинлигига ишонарди.
Дастлаб уни олийоҳ-
га киришга ундадим.
Ички сезгим адашма-
ган экан, қаттиқ тай-
ёргарликдан сўнг илк
уринишдаёқ ўқишга
кирди. Икки йил мо-
байнида шартнома
пулини тўлаб бердик.
Ўқишга анча мослаш-
гач, ўзини қўшимча
ишга жойлаб қўйдик.
Ҳозир ҳам ўқиб, ҳам
ишлаб олийоҳдаги
ўқиш харажатларини
ўзи бемалол эплаяпти.
Бундан ўзим ҳам жуда
хурсанд бўламан. Иро-
дали экан, ҳаётда туб
бурилиш ясади.

**Ёшларимизнинг
кўпи илм йўлини
танлаган.** Худуддаги
527 нафар ёшдан
175 нафари олий
таълим муассасала-
рида таҳсил олади. Бу
рақамнинг салмоғи-
ни ошириш мақсади-
да маҳаллада бепул

фан тўғрақлари таш-
кил этилган. Ҳозир
124 нафар ёш тил сер-
тификатига эга.

Бу борада ўзим ҳам
ёшлардан ортда қол-
масликка ҳаракат қи-
ламан. Ҳар жиҳатдан
уларга намуна бўлсак,
бизга эргашадиганлар-
нинг сафи кенгайди,
деган ниятда “Ибрат
фарзандлари”да ин-
глиз тили курсини ту-
гатдим. Энди турк
тилини ўрганишга ки-
ришмоқчиман. Бу би-
лимларни ўзлаштири-
гач, ушбу лойиҳанинг
тил ўрганувчилар учун
нақадар фойдали экан-
нига ишончим қомил
бўлди. Шундан сўнг
324 нафар ёш тил ўр-
ганишга жалб қилинди.
Меҳнатлар самараси
ўларок, натижалар ҳам
кўп қуттирмади. 27 на-
фар йигит-қиз онлайн
тарзда сертификатга
эга бўлди.

**Тил ўрганишга қи-
зуқувчи ёшларнинг
кўпайгани яхши-ку,
китобхон йигит-қиз-
ларнинг ҳам сафи ке-
нгайса, ёмон бўлмасди.**
Шу мақсадда яқинда
маҳаллаимизда “Етакчи
кубоғи” лойиҳасини
йўлга қўймоқчиман.
Унга кўра, энг кўп ки-
тоб ўқиган ёшга ноут-
бук совға қилинишни
маълум қилдим. Йи-
гит-қизларнинг билими
компьютерда тестлар
орқали синалади. Бу
ташаббус ота-оналарга
ҳам маъқул келди ва
бундай лойиҳаларни
кейинчалик давом эт-
тириш учун ҳомилийк
қилишларини билдир-
ди. Умид қиламанки,
ушбу харажатлари-
миздан сўнг китобхон
ёшларнинг сони кўпая-
ди ва китобга муҳабба-
ти ортади.



АГАР ЭКИН ЭКИЛМАСА, ЕР СОЛИФИ КЎПАЯДИ

“Аҳоли томорқалари ва
деҳқон хўжаликлари ер
майдонларидан самарали
фойдаланишнинг
қўшимча чора-тадбирлари
тўғрисида”ги Ҳукумат
қарори қабул қилинди.



Карорга кўра, аҳоли томорқаларининг
ер майдони хатловдан ўтказилади
ва уларда етиштирилаётган маҳ-
сулотлар ҳисоби юритилади. Маҳаллаларни
қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг муайян
турига ихтисослаштириш ҳисобидан **дастлабки
босқичда 100 та намунали маҳалла**, келгусида
уларнинг сонини **500 тага етказиш** юзасидан
режа-жадвал тасдиқланди. **874 та маҳаллада
суғориш тармоқларини яхшилаш** орқали то-
морқаларда бир хил маҳсулот етиштиришга
эътибор қаратилади.

Қарор билан тасдиқланган “**Аҳоли томорқа-
си ва ижара асосида ажратилган ер майдон-
ларидан самарали фойдаланишни ташкил
этиш тартиби тўғрисида**”ги Низомга кўра,
маҳаллаларда аҳоли томорқалари ва ижара
хуқуқи асосида ажратилган ер майдонларига
экин ишларини **“маҳалла еттилиги”** ва **маҳал-
ла банклар** ташкил этади. Улар ҳудуднинг
иқлим шароити ва аҳолининг деҳқончилик
қўнималаридан келиб чиқиб, йилга **2-3 марта**
ҳосил олиш имконини берадиган экин турлари-
ни аниқлайди. Аҳолига тушунтиришлар бериб,
экиладиган экин турларини аниқлаб олади.

Ижара ер майдонларида деҳқон хўжалиги
томонидан экин ишлари амалга оширилмаган-
да, туман (шаҳар) штаблари ер майдонларини
иқтисодий ижарага бериш чораларини кўради.
Бу жараёнда камида 40 гектар ер участкасида
“бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида
юқори даромадли ва экспорттоб қишлоқ хўжа-
лиги маҳсулотини етиштириш бўйича намуна-
вий лойиҳалар амалга оширилади.

“Маҳалла еттилиги” хулосасига асосан,
аҳоли томорқалари ва ижарага олинган ер
майдонларига экин экимаган ёки самарасиз
фойдаланаётган шахсларга нисбатан қуйидаги
таъсирчан чоралар кўрилади:

- ☑ **томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжали-
кларида давлат дастурлари доирасида имти-
ёзли кредитлар берилмайдми;**
- ☑ **“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га
киририлган фуқаролар учун назарда тутилган
имтиёзлар тўхтатилади;**
- ☑ **“Онлайн маҳалла” электрон платфор-
маси маълумотлари асосида экин экилмагани
аниқланган йил учун ер солиғи ставкаси уч қарра
миқдорда ҳисобланади.**

Эслатиш керак, **“Томорқа ер эгалари ва
деҳқон хўжаликлари фаолиятида замонавий
ташкилий тизимни жорий қилиш ва молиявий
қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбир-
лари тўғрисида”ги Президент фармони**га кўра,
томорқа ва ижарага берилган ер майдонла-
ридан самарали фойдаланиш йўлга қўйилган
тақдирда, “маҳалла еттилиги” кафилиги билан
барча имтиёзлар ва амалдаги солиқ ставкалари
тиклаб берилади.

ҲАҚОРАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ ҲЕЧ КИМГА БЕРИЛМАГАН

**Пўлат МАМАТОВ,
юрист, адвокат:**

— Қонунчиликка кўра, ҳар
қандай ҳолатда ҳам шахс-
ни ҳақорат қилиш, унга
туҳмат қилиш тақиқланган.
Бу ҳуқуқ ҳеч кимга берил-
маган. Аксинча, мазкур
қилмишларни содир
этган шахсларга нисба-
тан маъмурий ва жиноий
жавобгарлик чоралари
белгиланган.



Хусусан, Маъмурий
жавобгарлик тўғрисидаги
кодекснинг 41-моддасига
мувофиқ, ҳақорат қилиш,
яъни шахснинг шаъни ва
қадр-қимматини қасддан
камситиш — БҲМнинг
20 бараваридан 40 бара-
варигача миқдорда жари-
ма солишга сабаб бўлади.
Шунингдек, кодекснинг
40-моддасида туҳмат, яъни
била туриб ёлғон, бошқа
бир шахсни шарманда
қилувчи уйдирмаларни
тарқатиш — БҲМнинг

20 бараваридан 60 бара-
варигача миқдорда жари-
ма солишга сабаб бўлиши
мустаҳкамлаб қўйилган.
Агар юқоридagi қил-
мишлар маъмурий жазо
қўлланилгандан кейин бир
йил давомида қайта содир
этилса, унда бу қилмиш-
ларга нисбатан жиноий
жавобгарлик чораси
қўлланади.
Бу ҳолатда сиз туман
ИИБга ва прокуратурага
мурожаат қилишингиз
лозим.



Ўзбекистонда миллий
рўйхатга киритилган
ТАРИХИЙ ОБЪЕКТЛАР
СОНИ қарийб
8,5 мингтага етди.



Ўзбекистон ва Япония
“ЯШИЛ” ТРАНСФОРМАЦИЯ
жараёнларини амалга
ошириш бўйича
ҳамкорлик қилади.



Ўзбекистон
ва Қозоғистон
НЕФТЬ-ГАЗ СОҲАСИДА
ҳамкорлиқни
кенгайтиради.

КАМБАҒАЛЛИҚДАН ФАРОВОНЛИК САРИ

“СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ”

Касб-ҳунарни қизлар сафи кенгаяди

Урганч шаҳридаги “Гулшан” маҳалласида “Zamin speedy food” ўқув маркази очилди. Унда ишсиз хотин-қизлар пишириқчилик сир-асрорларини бепул ўрганишлари мумкин.

Шахзод САФАРБОВЕВ,
Хоразм вилояти камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик бошқармаси ахборот хизмати раҳбари.

“Гулшан” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Бунёд Ашуровнинг билдиришича, мазкур ўқув марказида бир йилда 900 нафар ишсиз хотин-қизни ўқитиш режалаштирилган. Бироқ маҳаллада бунча ишсиз аёллар йўқ. Шу боис ишлар Урганч шаҳар миқёсида амалга оширилади.

— Ўқув курсларини تامомлаган хотин-қизларга сертификат берилади ва касаначи сифатида ишга қабул қилинади, — дейди ҳоким ёрдамчиси Бунёд Ашуров. — Бу ерда касб-ҳунар ўрганган опа-сингилларимиз эртага ўз фаолиятларини йўлга қўйишлари, бандлигини таъминлашлари, энг муҳими, оилавий даромадига эза бўлишлари мумкин.

Ушбу маҳаллада яшовчи Умида Ражабова ҳоким ёрдамчисига гўзаллик салони очиш нияти борлигини билдирган. Ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан унга 2023 йил “Хар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 30 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиб, гўзаллик салони ташкил этишда амалий ёрдам берилган эди.



Ишини янада кенгайтиришни хоҳлаган тадбиркор 2024 йил охирида яна 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, ўз хонадонида умумий овқатланиш шохобчасини йўлга қўйди. Бу орқали оила аъзоларининг ҳам бандлиги таъминланди.

Хар бир хонадон имконият ва имтиёздан хабардор

Узоқ йиллик иш тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, солиқ инспекторларининг маҳалла даражасига туширилиши солиқ тўловчиларга катта имконият ва қулайлик яратди. Советликлар мисолида айтадиган бўлсам, биринчи навбатда, одамлар 20 километр йўл босиб, вақти ва пулини сарфлаб, туман марказига келишларига чек қўйилди.

Абдуҷалол АЛИМАРДОНОВ,
Янгиобод туманидаги
“Совот” маҳалласи
солиқ инспектори.

“Совот” маҳалласи ҳудуди кенг яйлов ва адирликлардан иборат бўлиб, уч мингдан ортиқ аҳолининг аксарияти чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланади. Хар бирида 50 бошдан 300 бошгача қўй ва эчкилари, 2 тадан 10 тагача қорамоли бор. Гўшт, сут, қатик, қаймоқ ва сариеғни хар шанба куни 27 километр олисдаги Даштобод шаҳарчасидаги бозорга олиб бориб сотишади.

Маҳалланинг юқори қисмида “Ҳўжамишқин” сув омбори жойлашгани учун бу ерда деҳқончилик қилиш учун анча қўлай. Аҳоли томорқаларида ўз эhtiёжлари учун картошка, сабзи, пиёз, помидор каби рўзғорбоп қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, лалми ерларда, асосан, ғалла экишади. Боғдорчилик фермер ҳўжаликлари ҳам



бор. Жорий йилнинг ўзида 50 нафардан ортиқ фуқаро деҳқон ҳўжалиги ташкил этиб, фаолият бошлади. Узини ўзи банд қилган шахсларнинг аксарияти деҳқончилик ва чорвачилик йўналишида расмий даромадга эга.

“Маҳалла еттилиги” ташкил этилиб, йигинларга солиқ инспекторлари бириктирилгач, энг қуёи тизим — хар бир тадбиркорлик субъекти ва хонадонга кириб, уларни солиқ қонунчилиги, имтиёз ва имкониятлар ҳақида хабардор этиямиз. Натижада чакана савдо билан шуғулланиш истагини билдираётган фуқаролар сони кўпайди. Шу боис “Тадбиркорга ҳамкор” тамойили асосида бўлажак



Абдуҷалол Алимардонов
Маҳалла тизими ходимлари қунида “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирланди.

тадбиркорларга қонуний фаолият юритиши бўйича маслаҳат беряпмиз. Баъзи ҳолатларда бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларини топиришига кўмаклашяпман.

Биз, солиқ инспекторлари нафақат солиқ тушумларини ошириш билан, балки “Солиқчи — кўмакчи” тамойили асосида аҳоли ўртасида соҳага доир тарғибот тадбирларини олиб боряпмиз. Биргина мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган солиқ тушумларининг 10 фоизи “маҳалла бюджети”да қолишининг тарғиботи натижасида одамларда солиқ тўлаш маданияти ортди.

Мазкур маҳаллада иш бошлаганимдан буён солиқ тушумлари 20 фоизга кўпай-

ди. Февраль ойининг ўзида 90 миллион сўм ундирилди. Хозирда 68 та юрдик корхона, 4 нафар якка тартибдаги тадбиркор, 590 нафар мол-мулк, 620 нафар ер солиғи тўловчиси бор.

Юқорида таъкидлаганимдек, ҳудудда гўшт ва сут етиштирувчилар кўп. Лекин ушбу маҳсулотларни қайта ишлайдиган бирорта корхона йўқ. Шу боис бу масалада ҳоким ёрдамчиси билан тегишли идораларга тақдирлар киритиб, инвестор қидирыламиз. Агар ушбу ташаббус амалга ошса, кўплаб янги иш ўринлари яратилар эди. Ўз навбатида, аҳолининг даромади ортиб, “маҳалла бюджети” кўпаярди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда саноат ва хизматлар соҳасининг жадал ривожланиши, аҳоли сонининг ўсиши, шаҳарларнинг кенгайиши ва транспорт воситалари сонининг ортиши натижасида электр энергияси, нефть ва табиий газга бўлган талаб тобора ортиб борапти. Хусусан, аҳолининг қиш мавсумида уй-жойларни иситиш учун, асосан, қайта тикланмайдиган энергия манбалари (кўмир, табиий газ, суюлтирилган газ, ўтин ва торф)дан фойдаланиши мавжуд муаммоларни янада кучайтирапти.

Абдулаҳад НОДИРОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Макроиқтисодий ва ҳудудий
таҳлиқотлар институти
бош мутахассиси.

Дунё таърибаси шуни кўрсатадики, уйларни иситиш ва совитиш тизимларида “яшил” энергиядан фойдаланиш нафақат экологик тоза ва барқарор ечим, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам самаралидир. Мамлакатимизда эса уй-жой фондининг аксарият қисми энергия самарадорлиги паст бўлган биналардан иборат. Яқин ўтмишгача энергия ресурслари, айниқса, табиий газ арзон бўлган даврда қурилган уйларда иссиқлик қопламасига етарлича эътибор берилмаган. Оқибатда қишда иссиқликнинг катта қисми ташқарига чиқиб кетади, ёзда эса хоналар тез қизийди, бу эса иситиш ва совитиш учун қўшимча энергия сарфига олиб келади.

Таҳлилларга кўра, энергия самарадорлиги паст бўлган уйларда иссиқликнинг катта қисми турли қисмлар орқали йўқолади: **шамоллаш тизими орқали 30-35 фоиз, деразалар орқали 20-40 фоиз, деворлар орқали 15-25 фоиз, пойдевор орқали 15-20 фоиз, том орқали 10-20 фоиз.** Бундай йўқотишлар уйда иссиқликни сақлашни қийинлаштиради ва иситиш харажатларини

сезиларли даражада оширади. Шу боис, уйларни қуриш ва таъмирлаш жараёнида самарали қоплаш материалларидан фойдаланиш, герметизация қилиш, энергия тежовчи дераза ва эшиклар ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади.


Уйларни иситиш ва совитиш тизимларида “яшил” энергиядан фойдаланишнинг бир қатор афзал жиҳатлари бор. Бу афзалликлар нафақат атроф-муҳитга ижобий таъсир кўрсатади, балки иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ҳам катта фойда келтиради.

Экологик жиҳатлар — қуёш, шамол, геотермал ва биомасса энергияси қайта тикланадиган ёки деярли тугамайдиган табиий ресурслардан олинади ҳамда анъанавий ёқилғи турларидан анча самарали ҳисобланади.

Иқтисодий жиҳатлар — уй эгаларининг иситиш ва совитиш учун энергияни мустақил равишда ишлаб чиқариш имкониятлари марказий тармокдан олиннадиган энергияга бўлган эҳтиёжни камайтириб, ёқилғи харажатларини сезиларли даражада тежайди.

Қайта тикланадиган манбаларнинг чексизлиги ва барқарорлиги — “Яшил” энергия манбаларининг асосий афзалликларидан бири, бу — уларнинг чексизлиги ва табиат томонидан доимий равишда қайта тикланиб туришидир. Қуёш нури, шамол, ернинг иссиқлиги ва биомасса каби манбалар анъанавий ёқилғи захиралари каби тугаб қолмайди.

“Яшил уйлар” қишда иссиқ, ёзда салқин ва чексиз энергия манбаи



ТАҲЛИЛ

ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР
УЙЛАР КОНЦЕПЦИЯСИ ВА
ТЕХНОЛОГИЯСИ ҚАНДАЙ?

Фаол уйлар энергия самарадорлиги бўйича замонавий концепция бўлиб, нофаол уйлардан фарқли ўлароқ, улар нафақат кам энергия сарфлайди, балки қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда энергияни мустақил равишда ишлаб чиқаради. Фаол уйнинг асосий хусусияти шундаки, у ўзи истеъмол қилганидан кўра кўпроқ энергия ишлаб чиқаради. Бунга қуёш панеллари каби қайта тикланадиган манбалардан фойдаланиш ва энергия истеъмолини минималлаштириш



Энергия самарадорлиги эга уй-жойлар қурилишига комплекс ёндашув зарур.

орқали эришилади. Ишлаб чиқарилган ортиқча энергия аккумуляторларда сақланиши ёки марказий электр тармоғига узатилиши мумкин.

Ўзбекистоннинг қуёшли иқлими фаол уйлар концепциясини қўллаш учун жуда қўлай. Қуёш панелларини ўрнатиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш ва уйнинг энергияга бўлган эҳтиёжини қондириш мумкин. Бироқ фаол уйлар қурилиши самарасиз уйлар қурилишига нисбатан янада кўпроқ ресурс (молиявий, моддий, инсон ва ҳ.к.)ларни ва замонавий технологияларни талаб этади.

Қуёш панеллари, аккумуляторлар ва ақли бошқарув тизимларининг нархи нисбатан юқори бўлиши мумкин. Шу билан бирга, **энергия**

нархининг ўсиб бораётгани ва қайта тикланадиган энергия технологияларининг арзонлашиши билан фаол уйлар Ўзбекистонда ҳам яқин келажакда кенгроқ тарқалиши мумкин. Бунинг учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш чораларини кучайтириш, маҳаллий шароитга мослаштирилган технологияларни ишлаб чиқиш ва аҳолининг бундай уйлар ҳақидаги хабардорлигини ошириш керак. **Ушбу мақсадга эришиш учун давлат сиёсати ва рағбатлантириш чораларини такомиллаштириш, қурилиш меъёрлари ва стандартларини такомиллаштириш, инновацион технологиялар ва материалларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг хабардорлигини ошириш ва тарғибот ишларини олиб бориш, соҳада малакали кадрлар тайёрлаш ва мутахассисларни ўқитиш, халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш ва хорижий тажрибани ўрганиш, намунавий энергия самарадор уй лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш каби йўналишларда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.**

Хулоса қилиб айтганда, олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда уйларни иситиш ва совитиш тизимларида “яшил” энергиядан фойдаланиш ҳамда энергия самарадор уйлар қурилиши мамлакатнинг энергетика соҳасидаги мавжуд муаммоларини ҳал этиш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва атроф-муҳитни муҳофиза қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, энергия самарадорлигига эга уй-жойлар қурилишига комплекс ёндашув зарур. Бу нафақат энергия ресурсларини тежаш, балки атроф-муҳитни асраш ва аҳолининг соғлом турмуш тарзини таъминлашга қаратилган муҳим қадамдир.



ЎЗБЕКИСТОН
ДЕЛЕГАЦИЯСИ
Нью-Йоркда йирик
инвесторлар билан
учрашув ўтказди.



“Ғишткўприк”,
“Зангиота” ва “Довут ота”
ўтказиш пунктларида
автотранспорт воситалари
учун “ҚИЗИЛ” ва
“ЯШИЛ” ЙЎЛАКЛАР
йўлга қўйилади.



2026 йил 1 мартдан
божхона назорати
жараёнлари “ХАВФЛАРНИ
БОШҚАРИШ” ахборот
тизими орқали янада
соддалаштирилади.

6

№27 | 2025 йил 2 апрел, Чоршанба

Mahalla

НАМУНАЛИ ТОМОРҚАЧИ

Йилнинг энг обод хонадон эгаси

Фарғонада кўплаб миришкорлар
томорқасига меҳр ва эътибор
бергани учун яхши даромад
тояпти. Улардан бири
— Олтиариқ туманидаги
“Азимобод” маҳалласида
яшовчи томорқачи Худойберди
Қодировдир.



Мафтуна МАМАСИДДИКОВА,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Фарғона вилояти бошқармаси
матбуот котиби.

У кишининг болалиги томорқада
ўтган. Ер билан тиллашиб, ёмон бўлмади.
Томорқанинг ҳақиқий миришқори бўлган хо-
надон соҳибини кишининг қаҳратони, ёзининг
саратони, баҳор-кузнинг ёмғирли ҳавоси
меҳнатдан узоклаштирмайди.

Хали кўплар томорқа кишини энди бош-
лаётгани маълум. Аммо бу хонадон эгалари
аллақачон томорқадан биринчи ҳосилини
олиб бўлган.

— Томорқадан йилига уч марта ҳосил
оламиз, — дейди Худойберди Қодиров. — Яқин-
да кўкатларни сотиб, ўрнига помидор эдик.
Помидор ҳосилини йиғиштириб олгач, яна
кўкатлар экамиз. Оиламизнинг асосий даро-
мади — узумчилик. Узумнинг ўзидан йилига
ўртача 120 миллион сўмгача даромад оляп-
миз. Томорқа қирғоқларидаги бўш ерларни ҳам
бекор қолдирмаймиз, ҳар йили узум қаламча-
лари тайёрлаб, пуллаймиз. Узум дарактлари
орасида малина ҳам бор. Унинг мевасидан
қишга шарбат тайёрлаб, ортганини бозорга
чиқарамиз. Ҳар йили эрта баҳорда 200-300
туп лоланинг ҳар бирини 4-5 сўмдан сота-
миз. Меҳнатларимиз ортидан машиналар
олиб, чиройли иморатлар қурдик. Фарзандла-
римиз учун туўлар, алоҳида уй-жой қилдик.

Қодировлар томорқаси у қадр катта
эмас. Нари борса 10 сотих. Аммо оила ундан
20-25 сотихли томорқа даромадини оляпти.
Сабоби, бу одам деҳқон фарзанди. Худой-
берди ака ерни яхши кўради. Ўзи яшайдиган
кўча яқинидан ўтган темир йўл қирғоғидаги
ўзлаштирилмаган ерларни ҳам узумзорга
айлантирган.

Хуллас, томорқада етиштирилмайдиган
нарсанинг ўзи йўқ. Асосийси, Худойберди ака
ерга илм билан ёндашади. Натижада йил-
нинг тўрт фасли, 12 ой узлуksиз даромади
бор. Бир йилда 200 миллион сўм атрофида
даромад олади.

Чекка кишлоқнинг оддий, аммо файзли
хонадон соҳибларининг меҳнатлари беса-
мар кетмади. Яқинда Қодировлар оиласи
“Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла”
республика кўрик-танловида “Обод хонадон”
номинацияси ғолиби бўлди. Қирик миллион
сўм, қуёш панели, икки кишилик санаторийга
йўлланмани қўлга киритди.



“Уч йилдан буён “яшил” тоифадамиз”



“Шалғамон” маҳалласи уч йилдан буён “яшил”
тоифада. Дастлабки иш фаолиятимда мазкур йигин
гиёҳвандлик, ўғрилик, оила-турмуш муносабатлари
билан боғлиқ жиноятлар сабаб “қизил” тоифада эди.

Хусен СУЛТОНОВ,
Самарқанд туманидаги
“Шалғамон” маҳалласи
профилактика инспектори.

Тахсиллардан билдимки,
жиноятларнинг аксари-
яти тунги вақтда содир бўлган.
Шу боис, аввало, туман ички
ишлар ва патруль-пост хизма-
ти ходимлари, кўчабошилари,
фаоллар ва ёшлардан иборат
тунги навбатчилик гуруҳларини
ташқил этиб, кузатув-назорат
тадбирларини кучайтирдим.
Худуднинг кириб-чиқиш кўча-
ларига, жамоат жойлари, савдо
дўконлари ва хонадонларга
58 та замонавий видеокузатув
қурилмаси ўрнатиб, хизмат

хонамга интеграция қилдим.

Фуқароларнинг тунги
вақтда хавфсиз, эркин ҳаракат-
ланиши учун Бинафша кўча-
мизда “Яшил” кўча тамойили
асосида зарур шарт-шароитлар
яратилляпти. Жамоат жойлари,
хуқуқбузарликдан жабр кўриш
эҳтимоли бўлган фуқаролар
хонадонларига “ташвиш тугма-
си”ни ўрнатаямиз. Иккита но-
тинч оила хонадонига шундай
тезкор алоқа тугмаси қўйилгач,
осойишталиги таъминланди.

Ўрганишларимдан маълум
бўляптики, низоли оилалар-
нинг асл сабаби — спиртли
ичимликка ружу қўйиш ва
ишсизликдир. Шу боис нотинч
оилалар, спиртли ичимликка
ружу қўйган, муқаддам суд-
ланган ва руҳий касалликка

чалинган фуқароларни алоҳида
тоифаларга ажратиб, улар би-
лан манзилли ишлаяпман. Ҳар
бири ҳақида “маҳалла еттили-
ги” аъзоларига ўз йўналишлари
бўйича ижтимоий профилактик
хулоса бериб, ижтимоий-маи-
ший муаммоларини биргаликда
ҳал этаймиз. Шу тариқа нотинч
оилалар яраштириляпти, ишсиз
фуқаролар ишга жойлаштири-
либ, даромадли қилиняпти.

Бироқ спиртли ичимлик ис-
теъмол қилиб, жанжал кўтарган
фуқароларни тиббий кўриқдан
ўтказиб, олинган хулосалар
асосида 45 километр олисдаги
Жомбой туманидаги хушёрхо-
наларга жойлаштириш бироз
вақтни оляпти. Агар бундай
махсус хоналар яқин худуд-
ларда ташқил этилса, вақт
нуқтаи назардан анча енгиллик
бўларди.

Хайдовчиларнинг тунги
вақтда автомобилларини кўча-
да қолдириб кетиши ўғриларга
анча қўл келади. Шу боис фуқа-
роларга автомашиналарини



Хусен Султонов
Маҳалла тизими
ходимлари
қунида “Маҳал-
ла ифтихори”
кўкрак нишони
билан тақдир-
ланди.

ховлисига киришиб қўйишини
айтиб, огоҳлантирдим. Ҳар пай-
шанба — профилактика куниди
вояга етмаганлар ва ёшлар
ўртасида олиб борилаётган
тарғибот ишларимиз натижаси-
да бирорта жиноятчилик йўқ.

Асосий вазифамиз — маҳал-
лада хавфсиз муҳитни яратиш,
содир этиладиган қонунбузар-
ликларнинг асл илдишларини
ўз вақтида аниқлаш орқали
жиноятчиликнинг барвақт
олдини олишдир. Бу борада
Президентимизнинг “2025 йил-
да республика маҳаллаларида
хавфсиз муҳитни яратиш ва
хуқуқбузарликларнинг барвақт
олдини олиш тизими сама-
радорлигини янада ошириш
бўйича чора-тадбирлар тўғри-
сида”ги қарори муҳим аҳамият
касб этапти.

Тажрибамдан келиб чиқиб
айтишим мумкинки, ҳар бир
профилактика инспектори аҳо-
ли билан доимий мулоқотда
бўлиб, уларга телефон рақами-
ни бериб, мунтазам хуқуқий
тарғибот ишларини олиб борса,
маҳаллани жиноятчиликдан
холи худудга айлантириш мум-
кин. Бу борада хизмат уйлари
зарур. Чунки профилактика
инспекторининг хизмат уйи ва
машинаси бўлса, кечаю кундуз
ўзига бириктирилган худудда
бўлиб, ҳар бир хонадон билан
самарали ишлаш, жиноятчи-
ликнинг олдини олиш, фуқа-
ролар осойишталиги ва хавф-
сизлигини таъминлаш имкони
бўлади.

Мақсадим — отам каби ўз
касбимга садоқат билан ёнда-
шиб, ҳалол ва пок ишлашдир.
Бунга эришиш учун “маҳалла
еттилиги” билан бирга, нафақа-
даги ички ишлар ходимлари,
кўчабоши, нуруний отахонлар-
нинг маслаҳат ва кўмагидан
фойдаланяпман.

Яқинда Маҳалла тизими
ходимлари куниди Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмаси томони-
дан “Маҳалла ифтихори” кўкрак
нишони билан тақдирландим.
Камтарона меҳнатимни юқори
баҳо бергани учун раҳбариятга
катта раҳмат.

84 нафар бош инспекторга “Damas” автомашинаси топширилди



Президентнинг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда
республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш
ва хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими
самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар
тўғрисида”ги қарорига асосан, маҳаллада жиноятларни
живовлашга барча вазирлик ва идоралар ички ишлар
органларига кўмакчи сифатида бириктирилди.

Мақсадбек КЎЧҚОРОВ.

Мазкур қарор асо-
сида Андижон,
Фарғона, Наманган,
Самарқанд ва Тошкент
вилоятларининг крими-
ноген вазияти оғир 419
та маҳалласида 84 та
янги намунадаги маҳалла
хуқуқ-тартибот маска-
нининг фаолияти йўлга
қўйилди.

Яқинда Ички ишлар
вазирлиги Малака оши-
риш институтида ушбу
маҳаллаларда ташқил
этилган масканларнинг
84 нафар Бош инспектори
учун бир ҳафталик ўқув
курслари ташқил этилди.
Семинар машғулотларида
хуқуқбузарликлар профи-
лактикаси, жамоат тарти-
бини сақлаш, йўл ҳаракати
хавфсизлиги ва пробация

йўналишлари бўйича бош
инспекторларнинг билим
ва кўникмалари оши-
рилиб, уларнинг хизмат
фаолиятида белгилаб
берилган бош мезон чуқур
тушунтирилди.

Ўқув курси сўнгиди
уларнинг ҳар бирига
диплом ва хизматда
фойдаланиш учун “Damas”
автомашиналари танта-
нали тарзда топширилди.
Эндиликда мазкур ав-
тотранспорт воситалари
янги хуқуқ-тартибот
масканларида соҳанинг
моддий-техника базасини
янада мустаҳкамлаш ва
хизмат сифатини яхши-
лашда ўз ҳиссасини
кўшади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Давлат МУРОДОВ. Андижон вилояти:

— Тадбиркорман. Банкдан олинган
кредит туловини кечиктирганим учун
банк мазкур кредит қарздорлигини
ундириш юзасидан иқтисодий судга
мурожаат қилган. Даъво ариза тақдим
этилгандан сўнг қарздорликни тўлиқ
қоплаб бердим. Ушбу вазиятда давлат
божи масаласи қандай ҳал этилади?

Давлат божни
масаласи қандай
ҳал этилади?



Хумойиддин ТОШПЎЛАТОВ,
Асака туманлараро иқтисодий
суди судьяси:


— Иқтисодий процессуал кодекснинг
118-моддаси 5-қисмига мувофиқ, агар
даъвогар судга кредит қарздорлигини
ундириш юзасидан мурожаат қилин-
ганидан сўнг жавобгар томонидан
кредит қарздорлик ихтиёрий равишда
қопланган бўлса, давлат божни ва суд
харажатлари масаласи жавобгар
зиммасида қолдирилади. Агар кре-
дит қарздорлик даъвогар судга даъво
ариза билан мурожаат қилишдан
олдин ихтиёрий равишда қопланган
бўлса, давлат божни масаласи даъвогар
зиммасида қолдирилади.



Юқори ҳосил олган фермерлар УЧ КАРРА КАМ ер солиғи тўлайди.



Эндиликда ёнғин, сув, зилзила ва бошқа табиий офатлардан зарар кўрган аҳолига 56 250 000 сўмгача МОДДИЙ ЁРДАМ кўрсатилади.



Ойлик маошни ҳисоблаб берувчи “MOLIYACHI” мобил иловаси тест режимда ишга туширилди.

ТАҚДИРЛАР

“МУСТАҚИЛ ВА БАРҚАРОР ҲАЁТ КЕЧИРИШНИ ИСТАЙМАН”

Нурафшон шахридаги “Тўйтепа” маҳалласида яшовчи Ким Сергей ва унинг онасининг оилавий аҳволи маҳалла ижтимоий ходими ҳамда ҳоким ёрдамчиси томонидан ўрганилгандан сўнг, “Камбағаллик реестри”га киритилди. Шу орқали уларга тизимли ёрдам кўрсатиш ишлари йўлга қўйилди.



Элбек ШОЙИМКҮЛОВ, журналист.

Ким Сергей — меҳнаткаш йигит. Шу боис унинг ўзини ўзи банд қилиши ва қўшимча даромад топиши учун ҳонийлар ёрдамида мотоскутер олиб берилди. Уй-жойини таъмирлаши учун қурилиш махсулотлари етказилди. Қолаверса, боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланиши учун йўл-йўриқ кўрсатилди.

— Аввало, бизга кўрсатилган ёрдам учун катта раҳмат айтмоқчиман, — дейди Ким Сергей. — Чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан сўнча саломатлигимни яхшилаш учун зарур кўрсатмалар олдим. Шунингдек, моддий ёрдам нафақаси ва мотоскутер мен учун катта имконият яратди. Энди ҳаракатланишим оsonлашди ва ўзим учун қўшимча даромад топиши имконига эга бўлдим. Мен янада мустақил ва барқарор ҳаёт кечиришни истайман. Келажакда ишмни кенгайтириб, бошқаларга ҳам ёрдам бериш ниятим бор. Бугун менга кўмак беришди, эртага эса мен кимгадир кўл узата оладиган бўлишим керак.

Ҳозирда фуқаро уйида боғдорчилик билан ҳам шуғулланмоқда. Шунингдек, қурилиш ишларига қизиқиши баланд. Келажакда мазкур соҳада ҳам ўзини синаб кўриш ниятида.

ТАҲЛИЛ

Ажралиш: унинг оғриғи мурғак қалбларни ларзага солади



Биргина хонадонда юзага келган носоғлом муҳит жамиятга қанчалик салбий таъсир кўрсатишини тушунтириб ўтириш шарт эмас.

Ота-боболаримиз асрлар давомида оила тинчлиги ва хотиржамлигини умрнинг асосий мезони сифатида билишган. Айниқса, фарзанд тарбияси, одоб-ахлоқи ва маънавиятга алоҳида эътибор қаратишган. Шу сабабли илму фан ривожига улкан ҳисса қўшган кўплаб буюк сиймолар диёримиздан етишиб чиққан бўлса, ажаб эмас.

Нозима АБДУСАЛОМОВА, Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро суди судьяси.



Келиша олмаган икки кишининг алоҳида-алоҳида яшашга қарор қилиши ташвиш чекадиган вазият эмас. Бироқ ўртадаги мурғак қалб эгаларининг чекадиган ғам-андухи, то ўзини тиклаб олгунга қадар ота ёки онасининг меҳрига муҳтож бўлиб яшashi жуда жиддий фалокат.

ҳар бир кишини қаттиқ ташвишга солмоқда. Суд жараёнларида бу масала оддий ҳолатга айланиб бораётгани жуда ачинарли ҳолат.

Оила — мукаддас даргоҳ! Уни ҳар қандай ҳолатда ҳам асраш чорасини кўриш керак. Келажак авлодни ор-номусли, андишали ҳамда сабру тоқатли қилиб тарбиялашда бунинг аҳамияти бўлакча. Ота-онасининг бири-бирига ҳурмат ва меҳр билан муносабатда бўлаётганини кўриб улғайган бола билан тинимсиз жанжал ва келишмовчилик муҳи-тида вояга етётган гўдакнинг қарашларидаги фарқни тасаввур қилиш қийин эмас. Шундай экан, биргина хонадонда юзага келган носоғлом муҳит жамиятга қанчалик салбий таъсир кўрсатишини тушунтириб ўтиришнинг ҳождати йўқ.

Доно халқимиз “Қари билганини пари билмайди” деб бежиз айтишмаган. Аммо кун сайин кексаларнинг насихатларига амал қилиш, бир иш бошлашда

улар билан маслаҳатлашиш каби қадриятлар унут бўлиб бораётгандек. Бундан бир неча йиллар аввал можаро келиб чиққан оилани келиштириб қўйиш учун маҳалла-қўй аралашини уят ҳисобланган. Барча муаммо хонадоннинг ёши улғу инсонлари айтган бир оғиз сўз билан ҳал этилган. Томонлар иложсиз ҳолатлардагина ўзаро розилик асосида ажралишга мажбур бўлишган.

Бир қарашда ажралиш оддий ҳолатдек кўринади. Келиша олмаган икки кишининг алоҳида-алоҳида яшашга қарор қилиши ташвиш чекадиган вазият эмас. Бироқ ўртадаги мурғак қалб эгаларининг чекадиган ғам-андухи, то ўзини тиклаб олгунга қадар ота ёки онасининг меҳрига муҳтож бўлиб яшashi жуда жиддий фалокат. Тирик етимларни ҳар қанча парвариш қилмайлик, уларнинг кўнгли синиклигича қолади ва кўпчилиги ота-она соғинчида вояга етади.

Бу ҳам етмаганидай, ҳаётга

енгил қарайдиган баъзи “забардаст” йигитлар ўз пуштикамаридан бўлган фарзандига алимент тўлашда даромадини яшириб, арзимagan пулни ҳам турли найранглр билан вақтида бермаслик ҳолатлари ҳар қадамда учрамоқда. Турмуши бузилган ва 3-4 нафар бола билан қолган ёлғиз она эса камбағал сифатида рўйхатга олинади ёки фарзандларини кимгадир қолдириб, хорижда ишлашга кетади.

Наҳотки, шу даражага етиб келдик. Атрофга бир назар ташланг, тирноққа зорлар қанча? Биз учун берилган фарзанддек буюк неъматни қийин ҳолатда қолдириб кетиш, муҳтожликда умр кечиришига йўл қўйиш нақадар оғир гуноҳ. Ҳар бир инсон бугун ташлаётган қадамнинг бадалини эртага икки-уч баробар қилиб тўлаши аниқ.

Тилга олиб ўтилган муаммоларнинг олдини олиш ҳамда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида ҳудудларда никоҳ қуриш арафасида турган ёшлар учун ўқув курслари ташкил этилмоқда. Бу ерда йигит ва қизлар ҳаётнинг оғир-енгилини кўрган намунали оила вакилларининг тенгсиз ўғитларидан баҳраманд бўлишяпти. Бундан ташқари, ҳуқуқшунос, шифокор, психолог ва диний идора вакиллари иштирокида ўтказиладиган ўқув машғулотларида ҳаётий мисоллар билан тушунтиришлар берилиши ва қонунчиликдаги янгиликлардан хабардор қилиб борилиши ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

Оила қураётган ҳар бир йигит-қиз олдинда уни турмушнинг турфа синовларини қарши олишини ҳис қилиши зарур. Нима бўлганда ҳам бўлғуси фарзандларининг бахту камоли учун курашадиган иродани ўзида шакллантириши керак. Келажакимиз эгаларининг етук инсон бўлиб улғайиши, мукаммал билим соҳиби бўлиши учун қайғурадиган меҳрибон ота-оналар сони кўпайгандагина жамиятимизда соғлом муҳит ҳукм суради.

ЯНГИЛИК

МАҲАЛЛАДАГИ БОЛАЛАР УЙЛАРИГА КИМЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ?

Қонунчиликка кўра, жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб, ижтимоий ҳимоя соҳасида қатор хизматлар ишга туширилади.

Хусусан, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида эксперимент тариқасида аутсорсинг асосида Камбағал оилалар реестрига киритилган боқувчисини йўқотган тўлиқ бўлмаган оилалар, меҳнатга лаёқатли аъзоси бўлмаган оилалар, икки ва ундан ортиқ ногирон аъзолари мавжуд оилалардаги ўзгалар парваршига

муҳтож шахсларга кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати кўрсатилади.

Шунингдек, ижтимоий етимликнинг олдини олиш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга индивидуал ёндашув асосида оилага яқин муҳида ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда тарбиялаш хизматини кўрсатиш мақсадида маҳаллаларда оила шаклидаги кичик ҳажмли болалар уйлари ташкил этилади.



ЭЪТИБОР

Кичик кўмак — катта имконият демак!

Жондор туманидаги “Қароли” маҳалласи аҳолиси учун ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш борасида кўплаб ишлар амалга ошириляпти. Ҳудудда 7 минг 260 нафар фуқаро истиқомат қилад. Уларга эҳтиёжи ва шароитидан келиб чиқиб, зарурий кўмаклар кўрсатиб келинмоқда.

Зарнигор НАФИДДИНОВА, журналист.

Ҳозирги кунда маҳаллада ижтимоий ҳодим сифатида фаолият юритаётган Чарос Ўринова фуқаролар билан яқин елкадош. Турли муаммоларни ҳал қилишда аҳоли билан тизимли равишда ишламоқда. У биринчи галда ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган шахсларга кўмак бериб, уларнинг турмуш шароитини яхшилашда ёрдам

қўлларни узатишга тайёр. Маҳалладаги 117 нафар фуқаро Ижтимоий реестрга киритилган бўлиб, улар ҳар жиҳатдан ёрдамга муҳтож. Шунингдек, 16 та камбағал оиланинг фаровонлигини таъминлаш учун тизимли ишлар бошлаб юборилган. Ҳудудда 192 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро яшайди. Ижтимоий ҳодимнинг кўмаги билан уларнинг 22 нафарига протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари тақдим этилган. Шунингдек, 4 нафар эҳтиёж-



Ашраф Умаров — икки марта Жаҳон чемпиони, 20 марта Ўзбекистон чемпиони ва икки марта Осиё чемпиони. Айни вақтда икки ўғил ва бир қизи ҳам спорт билан шуғулланиб келмоқда.



манд фуқарога ногиронлик гуруҳи тайинланиб, жамият ҳаётидаги фаол иштироки учун шароит яратилди.

Ижтимоий ҳодим фаолияти давомида 24 та кейс очилган бўлиб, уларнинг


80 фоизи муваффақиятли ҳал қилинган. Қолган мувожазлар эса ҳозирги кунда жараёнда. Бу аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишдаги тизимли ёндашув ва самарадорликини кўрсатади.

Маҳалладаги ижтимоий ёрдамдан фойдаланган шахслардан бири — Ашраф Умаровдир. У бахтсиз ходиса туфайли анча йиллар олдин қўлидан айрилган. “Инсон” маркази

тақдим этган қўл протези унинг ҳаётида янги саҳифа очилишига сабаб бўлди. Ушбу қўл протези ёрдамида фуқаронинг кундалик ҳаётида қийинчиликлар барҳам топиши билан бирга, спортдаги фаолиятини ҳам давом эттириши имконияти туғилди.

Ашраф Умаров — икки карра жаҳон чемпиони, 20 карра Ўзбекистон чемпиони ва икки карра Осиё чемпиони. Айни вақтда икки ўғил ва бир қизи ҳам спорт билан шуғулланиб келмоқда.

Ашраф Умаров унга кўрсатилган психологик кўмакдан кейин руҳий жиҳатдан анча тетиклашди. Бундан ташқари, тез орада у реабилитация марказига даволаниш учун борди. Бу унинг соғлигини тиклаш ва тўлиқ ижтимоийлашувига эришишда муҳим аҳамият касб этиши аниқ.



Иорданияда СПОРТ КУРАШЛАРИ бўйича катталар ўртасидаги Осиё чемпионатида Ўзбекистон 3 та олтин, 2 тадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритди.



Туркияда ўтказилган халқаро теннис турнирида ҳамюртимиз СЕРГЕЙ ФОМИН яккалик ва жуфтлик бахсларида чемпионга айланди.



Бразилияда бокс бўйича ўтказиладиган ЖАҲОН КУБОГИда 10 нафар боксчимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФИ ТАРАФДОРИМИЗ!

БАДАНТАРБИЯ



Ёмғир дарахт баргларидаги чангу ғуборларни ювгани каби, рақс ҳам танани ҳар жиҳатдан тозалайди. Енгил ва ёқимли ритмга мос ҳаракатлар кишига руҳий сокинлик бағишлаб, кайфиятни кўтаришга ёрдам беради.

Азиза ШИРИНОВА,
Миробод тумани тиббиёт бирлашмаси Марказий кўп тармоқли поликлиника бошлиғи.

Инсон ҳаракат орқали шаклланади, такомиллашиб боради. Унинг соғлиғи ҳам ҳар жиҳатдан жисмоний фаолликка боғлиқ. Мунтазам, тартибли ва оқилона ҳаракат саломатлиқни таъминловчи асосий омиллардан. Бу, биринчи навбатда, организмда модда алмашинувини яхшилайдиган. Қолаверса, танадаги барча аъзо ва тўқималарда қон айланишини кучайтиради. Уларнинг кислород ва озиқ моддалар билан таъминланишини яхшилайдиган. Айниқса, ўсувчи ёш организмда ривожланиш жараёни яхши кечади. Ташқи таъсирларга қаршилик, жавоб реакцияси ортади. Иммун тизими кучаяди. Танада мавжуд айрим ялиғланиш жараёнларининг тузалиши тезлашади. Организм турли чиқинди моддалардан тозаланади. Рақс ва жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиб турувчи киши доволанишга камдан-кам муҳтож бўлади.

Айтилик, эрталаб нонуштадан аввал ёки кечки овқатдан кейин ёқимли мусиқага 5-6 дақиқа ўйнаш кайфиятга анчагина ижобий таъсир кўрсатади. Ўқиш ва ишдаги сифат ва унмдорлик ортиб, янги ғоялар туғилишига замин яратаяди. Асаб тизими меъёردа ишлаб, сал нарсаси жажл чиқиши, турли келишмовчиликларнинг юзага келишини олдини олади.



Фаоллик, ташаббускорлик, топшириқларни масъулият билан бажариш каби фазилатлар шаклланади. Қийинчилик ва оғир меҳнатдан кўрқмаслик, ўртоқлик ва дўстлик ҳиссиётлари уйғонади.

Шу билан бирга, рақс орқали тери ости ва ички аъзоларга тўпланган ёғлар камайиб, киши ихчам, эпчил ва чаққон бўлади. Мушаклар тортилиб, қомат кўркамлашади. Томирларда қон айланиши фаоллашиб, бутун тана ва аъзоларга кислород ҳамда озиқ моддаларнинг етиб бориши яхшиланади. Организмнинг ҳимоя қобилияти ошади. Қолаверса, чиroyли ва ёқимли хиром айланиш билан тенкурларингизга нисбатан анча чиroyли ва ёш кўринади. Бу оммавий ҳаракат сиздан ортиқча вақт ва шароит талаб қилмаслиги билан жуда қулай ҳисобланади. Шундай экан, уйнанг ва соғлом бўлинг!

Мактаб ўқувчилари орасида пала-партиш овқатланувчи болаларнинг сони йилдан-йилга ортиб борапти. Ярим тайёр таомлар ва ўқув жараёни билан боғлиқ бўлган оғир юклама кўпинча уларга зарур бўлган витамин ва минералларни овқатдан олишига тўсқинлик қилади. 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган даврда боланинг танасида бир вақтнинг ўзида ўсиш ва ўрганиш вазифалари турганини унутмаслик керак. Бу эса ота-онадан алоҳида эътибор талаб этади.



ОВҚАТЛАНИШ

ЕГУЛИКЛАР МИҚДОРИ

МЕЪЁРДА БЎЛМОҒИ ШАРТ!

Гули ШАЙХОВА,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор.

Бола кунига камида 4 марта овқатланиши керак. Соат 7:30-8:00да нонушта (уйда, мактабга кетишдан олдин), 10:30-11:30да мактабда иссиқ нонушта, 14:00-15:00да тушлик ҳамда 19:00-19:30да кечки овқат.

Агар болада озғинлик ёки ортиқча вазн бўлса, овқатланишни тўғри ташкил этиш учун шифокор маслаҳати зарур. Спорт билан шуғулланидиган ўқувчининг овқатланиши жисмоний машқлар ҳажми-ни ҳисобга олган ҳолда тузилиши талаб этилади.

Иодланган тузми доимий истеъмол қилиш, сувни тартиб билан ичиш ва витаминларга бой маҳсулотлар тановули болани ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етишига кўмаклашади.

Иммунитетни оширишга табиий асал ва вирусларга қарши самарали курашадиган саримсоқ ёрдам беради. Таркибида А витамини бўлган сабзи, цитрус мевалар ва брокколи, С витамини ҳамда грипп ва нафас йўллариининг юқумли касалликларига қарши курашишда ёрдам берадиган Е витаминига бой ёнғоқлар, албатта, болалар овқатланиш тартибда бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ошқозонни қийнаб қўймаслик учун таом ва егуликлар миқдори, албатта, меъёردа бўлиши шарт. Қолаверса, ҳар бир овқатнинг истеъмол қилиниш қоидаси бор. Мисол учун, хамирли таомларни нон билан бирга тановул қилиш тавсия этилмайди. Енгил ҳазм бўлиши учун қатик ёки ёғсиз сметанадан фойдаланган маъкул. Қуюқ таомлар сабзавотли ва қатикли салат, кўкатлар билан биргаликда ейилади. Суюқ овқатдан сўнг қўшимча равишда гўшти пирог ёки шу каби уйда тайёрланган пишириқ яхши танлов бўла олади.

Таом тартиладиган идишлар ёрқин рангда ва қизиқарли безаклардан иборат бўлса, болада кўз орқали ахборотни қабул қилиш

сезгиси фаоллашади. Бундан ташқари, овқат ўстини боланинг ёшига мослаб, кўкат ва сабзавотлар ёрдамида безатишга одатланинг. Таомланишлар орасидаги кичик тановулларни камайтиринг. Бола оч қолиб овқатланса, инжиқлик қилмайди, таом танламайди. Аммо фарзандингизни иштаҳаси бўлмаса, уни мажбурламаган маъкул.

Бола овқатланишга ўтиришдан олдин, албатта, қўлларини совунлаб ювиши керак. Мактабда эса микробларга қарши восита билан қўлларни тозалаш ёхуд нам сочиқча билан артиш лозим. Боланинг шахсий сув идишчаси бўлиши керак. Кун давомида суюқлик қабул қилиш танани сувсизланишдан асрайди.



ЯХШИ КАЙФИЯТ — ЮРАККА ҚУВВАТ

КИЗИҚАРЛИ ФАКТ

Инсон юраги сирларга тўла. Ёши катталарда у ўртача 300 грамм бўлса, чақалоқларда тахминан 22 грамм оғирликка эга. Яъни у тана вазнининг 0,8 фоизини ташкил қилади;

юрак ҳажмини тушунтириш учун оддий ва азалий усул қўлланилади — муштингизни тугинг, юрагингиз ҳажмини билиб olasiz. Энди ўша муштингиз орасига теннис копточкасини олиб, бор кучингиз билан сиқинг ва юрак қандай куч билан ишлашини англайсиз;

- катталарда минутига юрак уришлар сони 60-85 та бўлса, чақалоқларда бу кўрсаткич 150 тагача етади;
- аёллар юраги эркакларникига нисбатан тезроқ уради;
- инсон ўртача умри давомида томирлар орқали тахминан 1,5 миллион баррел қон ҳайдайди. Оддийроқ тушуниш учун бу 200 цистерна(вагон)га тенг;
- юракни қувватлантириш, соғлом сақлаш учун яхши кайфият зарурлиги аллақачон ўз исботини топган. Масалан — кулгу томирлар таранглигини пасайтиради, бу эса қон айланишини яхшилайди.

ХИДОЯТ ЁҒДУСИ

С.УМАРОВ.
Сирдарё вилояти:

— Она пул тўғрисида келиб чиққан жанжал сабаб ўғлига: “хотинингга мендан сўрамадан пул берсанг, рози эмасман”, деди. Шу гапдан кейин ўғил хотинига унинг харажатлари учун онадан сўрамадан пул берди. Чунки ўғил ҳар бир майда-чуйда харажатлар учун онасидан сўраб пул беришни ўзига эп кўрмади. Лекин энди ўғилнинг кўнгли ғаш. Бунинг ҳукми қандай бўлади?

“ХОТИНИНГГА ПУЛ БЕРСАНГ, СЕНДАН РОЗИ ЭМАСМАН...”



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Шубҳасиз, ота-оналар фарзандлари устида энг ҳақдор инсонлардир. Ота-онага яхшилик қилиш вожиб амаллардан ҳисобланади. Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадиси шарифларида ҳам ота-онанинг ҳаққи нечоғлик юксак экани ҳақида кўп таъкидланади.

Динимизда ота-онага яхшилик қилишга буюриш билан бир қаторда хотинларга ҳам яхши муошаратда бўлишга буюрилган. Ота-онага яхшилик қилиш жаннатга олиб борувчи бир йўл бўлса, хотин, бола-чақага ғамхўр бўлишнинг савоби ҳам ундан кам эмас.

Шуни инобатга олиб айтиш мумкинки, ота-онанинг ҳам, хотиннинг ҳам ҳаққини ўз жойига қўйиш керак. Агар хотини талаб қилаётган пул-маблағ унинг зарурий одатий эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлса, бу унинг ҳаққи бўлиб, ундан ота ёки она тўсишга ҳаққи бўлмайди. Тўсган чоғда ноҳақдан тўсқинлик қилаётган бўлади. Шундай вазиятда ота-онадан сўрамаган ҳолда хотинга эҳтиёжига мос равишда пул бериш шаръан нотўғри бўлмайди.

Саволда айтилган онанинг “рози эмасман” дегани ўринсиз, яъни ноҳақдан айтилган сўз саналади.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 6-т.
9 470 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-420

